

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

№ МД-5А120102-2.03

2017 йил “18” 08



Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги

2017 йил “24” 08

ЛИНГВИСТИК ТАҲЛИЛ МЕТОДЛАРИ  
ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	100000	– Гуманитар соҳа
Таълим соҳаси:	120000	– Гуманитар фанлар
Магистратура мутахассислиги:	5А120102	– Лингвистика (роман-герман тиллари)

Тошкент – 2017

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил “24” августдаги “603”-сонли буйруғининг 2-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2017 йил “18” августдаги 4-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

#### **Тузувчилар:**

- Р.У. Маджидова – “Умумий тилшунослик” кафедраси мудири, ф.ф.н., доцент.
- А.С.Содиқов – “Умумий тилшунослик” кафедраси доценти, ф.ф.н.
- А.А.Носиров – Халқ таълими вазирлиги Умумтаълим муассасаларида ўқув-методик жараёнларни ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи, ф.ф.д.

#### **Такризчилар:**

- И.И.Зокиров – Республика Таълим маркази директори  
(кадрлар истеъмолчиси).
- З.Р.Абдужабборова – Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети доценти, ф.ф.н.
- Я.И. Авлакулов – “Умумий тилшунослик” кафедраси доценти, ф.ф.н.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2017 йил “28” июндаги 5-сонли баённома).

## **I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни**

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришуви натижасида она тилимиз ва хорижий тилларни ўрганишга эътибор ниҳоятда кучайди. Республикамизда таълим тизими халқимизнинг бой миллий ва маънавий хазиналарига ҳамда тараққий этган бошқа мамлакатлар тажрибаларига суянган ҳолда ривожланиб бормоқда. Ушбу дастур чет тили бўйича бўлажак мутахассисларга тилшунослик фани тараққиёти жараёнида яратилган ва фанда қўлланиб келинаётган лингвистик таҳлил методларни атрофлича ёритишга хизмат қилади.

## **II. Ўқув дастурининг мақсади ва вазифаси**

Ўқув фанининг асосий мақсади – магистрантларга лингвистик таҳлил методлари ҳамда зарурий тушунчалар ва бу методларни тараққий босқичлари, турли методларни яратилиши ва қўлланиш доирасини чуқур тушунтириш ва илмий тушунчаларни шакллантириш.

Фаннинг асосий мақсади – магистрларга лингвистик таҳлил методларини яратилиши ва ривожига ҳақида, методологиянинг турлари ва қўлланиш доирасини чуқур тушунтириш ва батафсил маълумотлар бериш ва назарий билимларни амалиёт билан боғлашга ўргатишдан иборат.

Фан бўйича магистрларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар қуйидагича:

Магистрант:

- тилшунослик фанининг дастлабки босқичларида таҳлил методларининг яратилиши, бу методларни яратилишига катта хисса қўшган олимларнинг лингвистик таълимотлари ва лингвистик таҳлил методларининг турлари ва эришилган ютуқлари тўғрисида юқори савияда билимга эга бўлишлари керак;

- лингвистик таҳлил методларининг ривожланган динамикасини чуқур тушуниш ва таҳлил қилиш уларни қиёслаб ўрганиш ва замонавий тилшуносликда қўлланилаётган методлари ҳақида фикр юрита олиш малакасига эга бўлишлари лозим;

- тарихий-традицион ва замонавий методларга таянган ҳолда фанда шаклланган илмий методларни тил фактларини таҳлил қилишда тўғри қўллаш малакасини шакллантириш, мунозара юритиш, шу мавзуларда суҳбат қуришда фаол иштирок этиш кўникмаларига эга бўлиши лозим.

### **III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)**

#### **1-Модул. Лингвистик таҳлил методлари фанига кириш**

Лингвистик таҳлил методлари ҳақида умумий тушунча. Тил ва унинг тараққиётини ўрганишда таҳлил методларининг ўрни. Фан тараққиёти жараёнида янгидан янги методларнинг юзага келиши ва амалиётда қўлланилиши. Таҳлил методлари турли лингвистик (қиёсий-тарихий) психологизм, ижтимоий тилшунослик, структурал тилшунослик мактабларининг меваси сифатида. Лингвистик таҳлил методлари турлари.

#### **2- Модул. Тасвирий метод**

Тасвирий методнинг энг қадимий методлардан бири эканлиги. Тасвирий методнинг тил системасига кирувчи элементларни тасвирлаб кўрсатиб бериш хусусияти ва элементларни таҳлил қилиш усуллари. Тасвирий метод асосида тилнинг фонетик таркиби, морфемалари, грамматик категорияларини ўрганиш ва таҳлил қилиш. Тасвирий грамматика. Бу метод ёрдамида тилнинг ички кўриниши ва тил системасини ташкил этган элементларни ўзаро муносабатларини ўрганиш. Тасвирий методнинг турли даврларда турли лингвистик мактаблар ва йўналишларда қўлланилиши. Тасвирий методнинг XX асрда лингвистик экспериментларда қўлланилиши ва унинг тараққиёт босқичлари.

#### **3-Модул. Қиёсий-тарихий метод**

Қиёсий-тарихий тилшунослик мактаблари ва қиёсий-тарихий методнинг юзага келиши. Қардош тиллардаги фактларини бир-бирига системали равишда таққослаш, бир неча тиллар учун умумий бўлган лингвистик элементларни, сўз ва унинг формаларини қайта тиклаш (реконструкция қилиш) да қиёсий-тарихий методнинг аҳамияти. Ушбу методнинг шаклланиш ва тараққиёт босқичлари. Санскрит тилини бошқа тиллар билан қиёслаб ўрганишда ушбу методнинг тутган ўрни. Ўтмишда қардош бўлган тилларнинг ривожланиш қонуниятларини ўрганиш ва умумлаштиришда қиёсий-тарихий методдан фойдаланиш усуллари. Қиёсий-тарихий методнинг асосчилари ва энг йирик намоёндалари Расмус Раск (1791-1867), Франц Бопп (1791-1867), Якоб Гримм (1787-1863), А.Х. Востоков (1781-1864) ва бошқалар.

#### **4-Модул. Чоғиштирма метод**

Чоғиштирма методнинг универсаллиги. Лингвистикада чоғиштирма метод. Икки ёки ундан ортиқ тилларнинг структураси ва таркибий элементларининг бир-бирига ўхшаш ва ноўхшаш томонларини чоғиштирма метод орқали ўрганиш. Чоғиштирма методнинг хорижий тилларни ўрганишда самарадорлиги. Ушбу методнинг таржима назарияси ва амалиётида қўлланилиши. Чоғиштиришма методнинг шаклланиш босқичлари ва тараққиёти. Чоғиштирма метод вакиллари ҳақида маълумот.

#### **5- Модул. Структурал методлар**

Структурал методларни юзага келишида Ф.де Соссюр ғояларининг аҳамияти. Тилнинг ички қурилишини, тил системасини ташкил этган элементлар орасидаги муносабатларни, оппозицияларини ўрганишда структурал методнинг аҳамияти. Структурал оқимнинг пайдо бўлиши тилни илмий ўрганишга хизмат қиладиган янги структурал таҳлил методларининг вужудга келиши. Прага структурал мактаби (В.Матезиус, Трнка, Р.О. Якобсон, Н.С. Трубецкой), Америка структурализм мактаби (Ф.Бопп, Э.Сэпир, Л.Блуморилд, З.Хэррис, Н.Чомский ва бошқ.) Америка структурал мактаби негизида яратилган дистрибутив, бевосита иштирокчиларга ажратиш ва трансформацион таҳлил методлари.

#### **IV. Амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотлар учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

- фанда методология, метод ва методика тушунчалари;
- қиёсий-тарихий метод яратилишининг фан тараққиётида тутган ўрни;
- тасвирлаш методи ва унинг қўлланиш доираси;
- янги замонавий структурал методларини яратилишида Америка тилшунослигининг ҳиссаси;
- дескриптив метод;
- бевосита иштирокчиларга ажратиш методи;
- трансформацион метод.

#### **V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар**

Магистрантлар мавжуд адабиётлардан ва бошқа манбалардан фойдаланиб ўзларининг лингвистик билимларини чуқурлаштиришлари лозим.

Тавсия этилаётган мустақил ишлар мавзулари:

1. Тилшуносликда диахрон таҳлил методлари.
2. Тилшуносликда синхрон таҳлил методлари.
3. М.Қошғарий. Қиёсий лингвистика.
4. Қиёсий-тарихий методнинг пайдо бўлиши.
5. Замоनावий лингвистик мактабларда илмий методларнинг қўлланилиши.
6. Америка дескриптив тилшунослиги негизида яратилган илмий методлар.
7. Структурализм мактабларида лингвистик таҳлил.
8. Тарихий лингвистик мактаблар, замоनावий лингвистик мактаблар.
9. Антик давр тилшунослигида лингвистик методлар.
10. Қиёсий-тарихий тилшуносликда натурализм.
11. Қиёсий-тарихий тилшуносликда психологизм.
12. Ёш грамматикачилар мактаби.
13. Глоссематика мактабида яратилган методлар.
14. Прага лингвистик мактаби.
15. В.Гумбольдт лингвистик таълимоти.

## **VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари**

### **Асосий адабиётлар**

1. М.Э. Умархўжаев. Умумий тилшунослик. Андижон-2007.
2. А.Содиқов, А.Холмуродов. Умумий тилшунослик. Тошкент-2014.
3. Н.А. Кондрашов. История лингвистических учений. М.-2009
4. Р.Расулов. Умумий тилшунослик. Т.-2010.

### **Қўшимча адабиётлар**

5. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 29 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 47 б.
7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга кураамиз. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 485 б.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда

9. Мирзиёв Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11.
10. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – Т.: Ўзбекистон, 2014. – 46 б.
11. Гумбольдт В. Избранные труды по языкознанию . М.-2007
12. Соссюр.Ф. Труды по языкознанию. М. -1977
13. Сафаров.Ш.С. Тил назарияси ва лингвометодология. Тошкент -2015
14. Сафаров Ш.С. Когнитив тилшунослик. Жиззах – 2006.
15. З.Д. Попова, И.А. Стернин. Общее языкознание. М.-2007
16. Н.С. Шарафутдинова. Теория и история лингвистической науки.

### **Интернет сайтлари**

17. [www.tdpii.uz](http://www.tdpii.uz)
18. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)
19. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
20. [www.google.uz](http://www.google.uz)
21. [www.tdpu.INTERNET.ped](http://www.tdpu.INTERNET.ped)

